

## ШАРТНОМА №26/09

Тошкент шаҳри

26.09.2022 йил

«ZABARJAD MEDIA» ХК номидан унинг раҳбари М.Р. Кутлиева шахсида, амалдаги Устав асосида иш юритувчи, бундан буён матнда «Ношир» деб аталувчи бир томондан, Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими номидан унинг раҳбари Ф.Ш. Назаров шахсида, амалдаги устав асосида иш юритувчи, бундан буён матнда «Буюртмачи» бошқа тарафдан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида тўздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Ношир» «Буюртмачи»га шартномага мувофиқ муаллифнинг китобини оригинал макети ва муқоваси дизайнини нашрга тайёрлашни, «Буюртмачи» эса бунинг эвазига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

Китоб бичими: 84x108, 1/32. Ҳажми: 224 бет. Муқова қоғози: Қалин, 65 гр, офсет қоғози

№	Маҳсулот номи	Ўлч. бирл	Сони	Нархи	Умумий сумма	ҚҚС	Умумий сумма ҚҚС сиз
1	Китоб маҳсулоти	Дона	500	32 347,83	16 173 915,0	2 426 085,0	18 600 000,0
Жами:				18 600 000 (Ўн саккиз миллион олти юз минг) сўм			

### 2. ШАРТНОМА БАХОСИ

2.1 Шартноманинг умумий суммаси 18 600 000 (Ўн саккиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

### 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 30%ини олдиндан тўлайди, шу кундан бошлаб шартнома қонуний кучга кирган ҳисобланади.

3.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кўрсатилган нархлар берилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амал қилади

### 4.1. «НОШИР» МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1.1 Китобни нашрга тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқласа, бу ҳақида 5 кунлик муддатда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилиб, ишни тўхтатади.

4.1.2. Бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, буюртмачининг нашр этиш бўйича топширигида ёки шартномада назарда тутилган бошқа параметрлардан чекиниш натижасида юзага келган камчиликларни ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан бартараф этади.

4.1.3. Буюртмачининг бажарилиш муддати кўлбизининг сўнгги корректураси «Буюртмачи» томонидан имзолагандан сўнг 60 иш куни.

### 4.2. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.2.1 «Ношир»га нашр этиш бўйича шартнома асосида топшириқ беради ва у билан ишлар режаси ёки мавзусини келишиб олади.

4.2.2. «Ношир»га ишларни бажариш учун зарур бўладиган ҳужжатларни топширади.

4.2.3. «Ношир»га ушбу шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган суммани белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.

4.2.4. Тайёр маҳсулотни ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда қабул қилиб олади.

4.2.5. «Буюртмачи» тайёр маҳсулотни ўз транспортида олиб кетади

4.2.6. «Буюртмачи» нашр этилган адабиётдан «Ношир» кутубхонаси, таҳририят учун 10 (ўн) нусхаси ва мажбурий тарқатиладиган 8 нусхаси тираждан ажратиб қолдиришни ўз зиммасига олади.

4.2.7. Маҳсулотни олиб кетишда «Ношир»га ушбу шартноманинг бир нусхаси, олиб кетувчининг паспорти, ишончнома қоғози тақдим этилиши шарт.

4.2.8. Маҳсулотни ҳисоблаб, сифатини текшириб олиши шарт.

### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунийлиги талабларига мувофиқ, стандартлар талабига белгиланган тартибда мос келиши шарт.

5.2. Маҳсулотни қабул қилиб олиш пайтида нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Ношир» шу жойда нуқсонларни тўзатади (қайта ишлаб беради) ёки Маҳсулотни алмаштириб беради.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Шартнома шартлари бузилган тақдирда айбдор бошқа томонга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди.
- 6.2 «Ношир» ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини талаб даражасида бажармаган ҳолларда, шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, шу билан боғлиқ ҳолда «Ношир», «Буюртмачи»га шартнома бўйича олинган барча суммаларни, шу жумладан пул суммаларини асосиз фойдаланганлиги учун шартнома баҳосининг 0,5 фоиз миқдориди пеняни ҳам қайтаради.
- 6.3. Пеняни тўланганлик томонларнинг мажбуриятларни бажариш ёки ҳуқуқ бузилишларини бартараф қилишдан оқод қилмайди.
- 6.4. Шартномани бажарганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун сабаб бўладиган ҳолатлар бўйича тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун нормалари билан тартибга солинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Томонлардан ҳеч бири бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

- 8.1. Ушбу шартномани ижро этиш пайтида вужудга келган низолар ўзаро келишувга асосан ҳал қилинади. Агар томонлар низоли ўзаро келишувга асосан ҳал эта олмасалар «Ношир» жойлашган Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.
- 8.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардан ташқари шартномани ижро қилишдан бир томонлама воз кечишга йўл қўйилмайди.

## 9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ва ҳар иккала томон имзолаб ҳамда Ғазначилик бошқармаси томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР

- 10.1. Китоб нашр этилгунга қадар ўтган вақт давомида нарх-навонинг ўзгаришига қараб кўрсатилган суммага ўзгартириш киритилиши мумкин.
- 10.2. Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган. Китобдан кўчириб босиш муаллифнинг ёзма рухсати билан амалга оширилиши лозим.
- 10.3. Буюртмачи шартномани тўлдирганда қуйидаги шартларга эътибор берилсин:
- а. Буюртмачи китоб-журнал маҳсулотларини қабул қилаётганда харидор шартноманинг икки нусхасини тўлдирган ҳолатда яъни, пул ўтказиб бераётган ташкилот раҳбарининг имзоси, муҳри ва реквизитлари тўлиқ ёзилган бўлиши шарт.
- б. Наспорт ва қабул қилувчининг номига ишонч қоғози харидор томонидан электрон тарзда юборилган ва қабул қилинган бўлиши шарт.
- в. Пул ўтказган ташкилотнинг гувоҳнома ёки лицензияси, ишонч қоғози (ташкилотга тегишли барча ҳужжатлари) бўлиши шарт.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 11.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.
- 11.2. Шартнома матни икки нусхада ўзбек тилида тузилган, нусхалар бир хил юридик кучга эга.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАР

«НОШИР»	«БҮЮРТМАЧИ»
<p>«ZABARJAD MEDIA» ЖК 100113, Тошкент ш, Муқимий кўчаси, 178 уй АТ Халқ банки Чиланзор филиали Х/Р: 2020 8000 7050 3465 5001 МФО: 00825 ИНН: 306 181 903 ОКЭД: 58190 Тел: (97) 409-04-84   (99) 403-45-66</p> <p>Директор <i>М.Р. Кутлиева</i> М.Р. Кутлиева</p>	<p>Республика Мағнавийет ва мағрифат маркази Самарқанд қанда Вилаяти бўлиши 260184014080500027001 23402000300100001010 Самарқанд вилояти банк МФО 00014 306</p> <p>Раҳбар <i>Ф.Ш. Назаров</i> Ф.Ш. Назаров</p>

*Зуфаршо Раҳмат Раҳмат Раҳмат Раҳмат*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Республика Маънавият ва маърифат»



Маркази Самарқанд вилояти бўлими  
раҳбари, комиссия раиси

*Ф. Назаров*  
Ф. Назаров

Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими  
китоб чоп этиш учун танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри

26 сентябрь 2022 й.

Раислик қилувчи

Ф. Назаров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Н. Кудратов

Комиссия аъзоси, бош мутахассис

А. Шахласов

Комиссия аъзоси, бош мутахассис

И. Файзуллаев

Комиссия аъзоси, етакчи мутахассис

Ҳ. Худойназар

Комиссия аъзоси, Самарқанд тумани бўлинмаси  
бош мутахассиси

Ҳ. Нарзуллаева

Котиб, бош ҳисобчи

**КУН ТАРТИБИ:**

Китоб чоп этиш хизмати, китобни сифатли ва ўз вақтида чоп этиш.

---

Бўлим томонидан 2022 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси  
Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига китоб чоп этиш бўйича  
№22110012146570-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот  
бўйича 2022 йил 24 февралдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини  
ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали  
шаклланган китоб чоп этиш баённомасига асосан эълон якунига кўра  
Комиссия аъзолари томонидан ЧП “ZABARJAD MEDIA” корхонаси голиб  
деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бўлимнинг бош бухгалтери Ҳ.Нарзуллаевага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 20 сентябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб ЧП “ZABARJAD MEDIA” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош мутахассис А.Шахласовга хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорат қилиш юклатилсин.


### Комиссия аъзолари

Н.Кудратов

А.Шахласов

И.Файзуллаев

Ҳ.Худойназар



Ҳ.Нарзуллаева

